

ДЖУРАЕВА Санабар Нурматовна,
Ўзбекистон Миллий университети
тарих фанлари доктори (DSc)
E-mail: sanabar.djuraeva@bk.ru

СУРХОН ВОҲАСИДАГИ ХОНЖИЗА ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

СВЯТЫНИ ХОНЖИЗА В СУРХАНДАРЬНСКОМ ОАЗИСЕ

KHONJIZA PILGRIMAGE SITES IN THE SURKHAN OASIS

Аннотация. Мазкур мақолада Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани ҳудудида Ҳисор тоғ тизмаларига қирувчи Хонжиза тоғи этакларида ўтган асрларда яшаб ўтган маҳаллий уламолар ҳаёт-фаолияти, уларнинг номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар, маҳаллий масжидлар меъморчилиги ҳақида илмий маълумотлар берилган.

Шу билан бирга тоғ этагидаги қишлоқларда, табиат қўйнида, булоқлар, шаҳидлар, дарахтлар билан боғлиқ экотуристлик зиёрат объектлари дала тадқиқотлари асосида ўрганилиб, илмий таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: уламо, зиёратгоҳ, масжид, қабр, табиат, тоғ, булоқ, шаҳид, дарахт, экотуризм, сой.

Аннотация. В данной статье представлены научные сведения о жизни и деятельности местных улемов, проживавших в прошлые века у подножия горы Хонжиза, входящей в систему Гиссарских гор, на территории Сариасийского района Сурхандарьинской области. Рассматриваются святыне места, связанные с их именами, а также архитектурные особенности местных мечетей. Кроме того, на основе полевых исследований изучены и проанализированы экотуристические объекты поклонения, расположенные в горных деревнях и природной среде, связанные с родниками, шахидами, священными деревьями и другими природными объектами.

Ключевые слова: улемы, святыне места, мечеть, могила, природа, гора, родник, шахид, дерево, экотуризм, сай (ручей).

Abstract. This article provides scholarly information on the life and activities of local Islamic scholars who lived in past centuries at the foothills of Mount Khonjiza, which is part of the Gissar mountain range, located in the Sariosiyo district of the Surkhandarya region.

The study examines pilgrimage sites associated with their names, as well as the architectural features of local mosques. In addition, based on field research, ecotourism pilgrimage sites located in mountain villages and natural landscapes – associated with springs, martyrs, sacred trees, and other natural objects – are studied and scientifically analyzed.

Keywords: scholars, pilgrimage sites, mosque, grave, nature, mountain, spring, martyr, tree, ecotourism, stream.

КИРИШ

Ҳисор тоғ тизмаларига қирувчи Хурсанд тоғи Сурхондарё вилоятининг шимолида жойлашган бўлиб, Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Халқ орасида Хурсанд тоғ Хонжиза тоғи ҳам деб аталади. Хонжиза Хурсанд тоғи ҳудудидаги қишлоқнинг номи бўлиб, «Хондиза» сўзи асли хон (туркча), диза (форсча) сўздан олинган. У хон кўрган қаъла, хон кўрган жой, маърифат қаъласи номини билдиради. Унинг иккинчи талкини (тожикча) «Хонишур» сўздан олинган бўлиб, нозини маънат қўйиладиган, меҳмон кутадиган жой маъносини англатади [1:Д].

Яъни, Хонжиза қишлоғи тўрт томонидан: Ҳисор тоғ тизмаларига қирувчи шимолдан Хурсанд тоғ, шарқдан Қаровул тоғ, жанубдан Паршоҳ, ғарбдан Шикоргоҳ тоғлари билан ўралган водийда жойлашганлиги сабабли, бу ҳудуд меҳмон кутадиган, ижод қиладиган, дам оладиган қаъла маъносида келган. Маҳаллий аҳолининг айтишича, бу ерда неча юз йиллар олдин Чингизхон, Амир Темурлар ҳам бўлган. Тасаввуфчи олимлар ҳам шу ерда бўлиб, яшаб ижод қилган. Шунинг учун «Хон кўрган жой», «Маърифат қаъласи» номини билдирган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тоғ аҳолиси шу ерда бир неча минг йиллардан буён яшаб келаётганлиги сабабли ўзига хос тарихга эга. Хонжиза халқи орасидан тасаввуф соҳасида кучли билимга эга олимлар етишиб чиқган. Уларнинг қабрлари маҳаллий ва вилоят миқёсидаги зиёратгоҳлардир.

Домла Нодирмуҳаммад Самарқандий. Хонжиза қишлоғи маркази бўлган тепаликдаги Хонжиза қабристонида Домла Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг қабри бўлиб, яшаб ўтган

йиллари номаълум. Маҳаллий аҳолининг айтишича бундан 500-600 йиллар аввал Самарқанддан шу ерга келиб қолган. У киши кучли авлиё, тасаввуфчи олим, маърифат тарқатувчи бўлган. Қабри устига маҳаллий аҳоли томонидан мақбара қурилган. Ҳозирда маҳаллий аҳоли борадиган зиёратгоҳдир [2:Д].

Эшони Сафар халифа. Хонжиза қишлоғида Эшони Сафар Халифа исмли қалби уйғоқ, соҳибкаромат шайх бўлиб, шариат ва тариқат илмларида комил эди. У зот тариқат ижозатини Халифа Чўян исмли валий зотдан олган. Эшони Сафар Халифа шу ерлик алломалар: шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий ва Сўфий Ҳисорий Хондизагийнинг ҳам устози бўлган. У Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг амакиваччачи эди [3:380-385].

Эшони Сафар Халифа (тах. 1850-1935 йиллар) Қашқадарё вилояти Қамаш туманида мангу кўним топган Шайх Абдул Ҳасан ибн Илёс Лангарий (вафоти 1491-1492) авлодидан бўлиб, Хонжиза қишлоғидаги маҳаллий аҳолига ислом дини илмидан таҳсил бергани келган ва шу ер аҳолисига пир бўлган [4:72]. Бобокалони Шайх Абдул Ҳасан ибн Илёс Лангарий ҳам ўз даврида ислом дини ривожига катта ҳисса қўшган ва ўзининг билими, хизматлари билан ҳукмдорлар олдида обрў эътиборга эга бўлганини тарихдан кўришимиз мумкин.

Сўфий Ҳисорий Хондизагий. Тасаввуфчи етук олим, шайх ва шоир Сўфий Ҳисорий-Хондизагийнинг қабри ҳам Хонжиза қабристонидир. У Домла Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг 5 авлоди ҳисобланади. Сўфий Ҳисорий Хондизагий 1878 йилда тоғли Хонжиза қишлоғида туғилган. Ҳисор тоғ тизмаси худудида туғилгани учун Сўфий Ҳисорий тахаллусини олган. Илк исломий таълимни қишлоғида олган бўлиб, отаси Абдулвоҳид Нақшбандия тариқатига мансуб эди. Илмга берилганлиги, дунёга эътиборсизлиги ҳамда танаси озғинлигидан Сўфийи Ҳисорий жуда Сўфийи Хароба деб ҳам аталган [5:3-16].

Эшони Сафар Халифанинг шогирди бўлган Сўфий Хондизагий дастлабки мадраса таълимини Денов шаҳридаги Саййид Оталиқ, сўнгра Бухородаги Мир Араб мадрасасида олган.

Сўфий Хондизагий кейинчалик таниқли алломалар бўлиб етишган шоир Муҳаммад

Юсуф Маъюсий, Домулла Саъид, Мулло Зиёратшоҳ, Мулло Айнуддин, Мулло Фахруддин каби шахслар билан бирга Бухородаги Мир Араб мадрасасида узоқ муддат таҳсил олган [5:4].

Тасаввуфчи олим Сўфий Хондизагий жўшқин шоир ҳам бўлган. Аллоҳ, ишқиға етиш каби ички кечинмалари асосида «Жўшиши дарёи дарс» шеърый китобини ёзган. Умрининг охиригача Бухоро мадрасасида мудarrisлик қилган, соғлиғи йўқлиги туфайли ватанига қайтади, 1921 йилда, 43 ёшида Хонжиза қишлоғида вафот этади [6:Д].

Домла Айниддин Сўфий Хондизагийнинг акаси бўлиб, дастлабки билимни болалиғида қишлоғидаги Шайх Эшони Сафар Халифадан олган, Деновдаги Саййид Оталиқ мадрасасида, кейин Бухорода таҳсил олган. Мадрасани тугатиб қишлоғига қайтгач Куръони карим, ҳадис, тасаввуфдан шогирдларига илм ўргатган. Домла Айниддин фақат ибодат билан машғул бўлган, қунига 100 ракаат номоз ўқиган. 1938 йилда оламдан ўтган, Хонжиза қабристонидagi укаси қабри ёнига дафн этилган [7:Д].

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий. Хонжиза қишлоғидаги қабристонда яна бир забардаст аллома, санъакор шоир Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагийнинг ҳоклари абадий кўним топган [8:Д]. Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий 1871 йилда Хонжиза қишлоғида хунарманд уста оиласида туғилган. Куръон илмидан хабардор бўлган, адабиёт ва санъатни севадиган Уста Муҳаммад Ражаб кичик ўғлининг зийраклиги, илмга ташналигини сезиб тўрт ёшлигидан Хонжиза қишлоғидаги амакиси шайх Эшони Сафар Халифага шогирдликка берган. Шундан сўнг у Денов шаҳридаги Саййид Оталиқ мадрасасида таълим олган [9:3-5].

Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизагий 1891 йил йигирма ёшида Бухородаги Мир Араб мадрасасига ўқишга боради. Куръон илмларини чуқур ўрганади. Қисқа вақт ичида мадрасада шоир сифатида танилади. Мадрасани тамомлаб қишлоғига қайтиб келгач ижод қилади. Муҳаммад Юсуф Маъюсий Куръон илмини чуқур ўрганган олим, шоир сифатида Хонжиза халқини илму-маърифатга етаклаган. Шоирнинг шеърлар баёни бўлиб, у «Гуфтори

Маъюсий» (Маъсийнинг айтган шеърлари) номи билан машҳур [3:385]. Куръон тиловати ва ижодий ишга кўп берилганлиги, фарзандсизлик дарду ғами туфайли 1948 йилда кўзлари кўрмай қолади. 1967 йил март ойида 96 ёшида оламдан ўтади [10:255]. Хонжизалик адабиёт ихлосманди Хусрав Саъдуллоҳ шоир шеърларини тўплаб 2003 йилда Душанбе шаҳридаги «Ирфон» нашриётидан «Тажоллои ишқ» номли китоб чикаради [9].

Бундан кўриниб турибдики, 500-600 йиллар муқаддам яшаган тариқат вакили, авлиё Домла Нодирмуҳаммад Самарқандий авлодлари бўлган тасаввуфчи олимлар: Сўфий Ҳисорий Хондизагий, Домла Айниддин боболари изидан бориб шарият ва тариқат илмларини ўрганишда комил бўлганлар, шогирдлар етиштириб маърифат тарқатганлар.

Хонжиза қабристонини ёнида, ўнг томонда катта қишлоқ, масжиди бор. У бундан етти асрлар муқаддам ҳам бўлган. Масжид 1999 йилда маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан ёғоч ўймакорлиги усулида шу ерлик усталар: Соҳибов Раҳматулло ва шогирдлари томонидан қайта қурилган. Иш давомида масжид устунидан XIV асрга оид ёзувлар топилган. Бинонинг янги қурилишида устки қисмига ўн бешта гумбаз ёпилган. Ўртадаги марказий учта гумбазнинг биттасига Муҳаммад Юсуф Маъюсий ижоди, ғазаллари, иккинчисига, Сўфий Хондизагий ғазаллари, ўртадаги катта гумбазга Эшони Сафар Халифа, шогирдлари: Сўфий Хондизагий, Муҳаммад Юсуф Маъюсийларнинг ҳаёт фаолияти ёғочга ўйиб ёзилган. Масжид минг кишига мўлжалланган. Ҳовлида ҳам яна минг киши номоз ўқиса бўлади. Ибодат қилувчилар учун барча шароитлар яратилган. Жума номозларида, ҳайит байрамларида қўшни қишлоқ аҳолиси ҳам шу ерга келади. Зиёратчилар ҳам шу масжидда номоз ўқийди [1:Д].

Масжид устунидagi ёзувлардан, маҳаллий аҳоли орасидаги ҳозирги кунгача етиб келган бундай ривоятлардан келиб чиқиб, ҳақиқатдан ҳам масжид XIV асрга тегишли деб хулоса чиқариш мумкин.

Катта Хонжиза қабристонини қишлоқнинг ўртасида тепаликда жойлашган бўлиб, дарвозадан кираверишда чап томонда Домла

Нодирмуҳаммад Самарқандийнинг қабри бор. Қадимдан қабр устида оддий лой пахсадан мақбара бўлган. 2016 йилда эски иморат бузилиб, ўрнига маҳаллий аҳоли томонидан ҳашар йўли билан оддий ғиштдан бир хонали, усти шифр билан ёпилган мақбара қурилган. Қабристон аллома номи билан аталади. Дарвозадан тўғрига юрганда катта Савда дарахтининг тагида домла Муҳаммад Юсуф Маъюсийнинг, унинг ўнг томонида Домла Эшони Сафар халифа, ундан юқорида, пастроқда учта Савда дарахтининг тагида домла Сўфий Хондизагий, у билан ёнма-ён акиси домла Айниддинларнинг қабри бор [8:Д]. Бу мазоротда ислом илми ривожига ҳисса қўшган, ўз халқига маърифат-зиё тарқатган алломалар ётгани учун катта зиёратгоҳ сифатида маҳаллий халқ томонидан қадрланади.

2018 йилда зиёратгоҳга Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилояти бўлими томонидан эътибор қаратилиб, қабристон ёнидаги катта қишлоқ масжиди юқорисига Муҳаммад Юсуф Маъюсийга атаб фонд ҳисобидан олди айвонли, усти кичик гумбазли мақбара қурилди. Ичига рамзий қабр қўйилган [11:Д].

2018 йил ўрталарида қишлоқдан оқиб ўтувчи Хурсанд дарё бўйига «Вақф» жамоат фонди томонидан Сўфий Хондизагийга атаб ҳам мақбара, унинг ёнида 100 кишилик масжид қурулган. Мақбарага рамзий қабр қўйилган. Зиёратчилар учун шар-шароит яратилган. Сўфий Хондизагий дарёнинг жўшиб, пишқириб оқишидан илҳом олгани учун, қадамжосига шу жой танланган. Алломаларнинг қабрлари тепаликда жойлашгани, зиёратчилар учун ноқулай бўлганлиги боис, уларга шундай қулайликлар яратилган. 2019 йил февраль ойида бу зиёратгоҳ «Вақф» хайрия фонди Сурхондарё вилояти бўлими тасарруфига ўтган [12:Д].

Тоғ эгагидаги қишлоқларда булоқлар билан боғлиқ экотуристлик зиёрат объектлари ҳам мавжуд. Жумладан, Хурсандтоғ тепасидаги муз катламларида жойлашган Чош қишлоғида Хўжаи Пирях (Қари муз хўжаси) [13:Д], Хонжиза маҳалласидаги Хонжиза қишлоғида Хурсанд тоғидан оқадиган дарёнинг бўйида Чашми дивонаҳо (Девоналар булоғи) зиёратгоҳлари

жойлашган. Бу ерда қадимги булоқ катта тошнинг орасидан қайнаб чиқади. Қишлоққа кириш қисмининг ўнг томонида тераклар кўп бўлганлиги учун «Кўк тераклар булоғи»[8:Д], Десурх [14:Д] қишлоғидаги Қизилсой бўйида «Оби сурхон». Найхо тоғининг тагида «Шайхлар булоғи» деб аталувчи булоқлари билан машхур.

Тоғ ҳудудларида шаҳидлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам учрайди. Масалан, Хонжиза маҳалласида Шохидон тоғининг остида шаҳидлар учун тош билан ўралган Шаҳидон мазороти бўлиб, Нилу қишлоғининг тугашида Чоч тарафда, дарёнинг бўйида, писта боғидаги Писта мазоротида ўнтача қабр мавжуд. Бу қабрлар ҳам шаҳидлар қабри ҳисобланиб. Нилу қишлоғи [15:Д] ўртасидаги муқаддас саналадиган ҳовузда балиқларни ҳеч ким емайди. Аҳоли шу ҳовуздан сув ичади.

Қишлоқдаги Шўрткўл деган сойликнинг тепасида зиёратгоҳ бўлиб, у халқ орасида Мирзо Бобораҳим Машраб ва Сўфи Оллоёр учрашган жой сифатида улуғланади. Нилу қишлоғининг юқорисидаги Кенгтузар қишлоғига етмасдан чап томонда Қорақиз адиридаги Қўтирбулоқ зиёратгоҳида, қишлоқнинг тепасидаги Чашмаи Бибихур Бибинур мазорида муқаддас булоқлар мавжуд. Нилу қишлоғининг кунботар [25:Д] тарафида тоғнинг тепасида ҳам шифобахш сув чиқадиган булоқ бўлиб, у Чашмаи Соро зиёратгоҳи деб аталади.

Дарахтлар культига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Хонжиза маҳалласи йўлининг чап томонида, қишлоқдан анча узоқда Мозори Тўк зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, унинг атрофида дўлана дарахти бор. Хонжиза маҳалласи Дебодом қишлоғининг тепасида Хўжаи Мурид зиёратгоҳи, ундан сал юқорироқда Дарвозаҳо зиёратгоҳи жойлашган бўлиб, бу ерда тоғнинг уч жойидан сув чиқиб туради. Хўжаи Асмин қишлоғи тепасида Кўйи сафет (Оқ тоғ) этагида Қирқ қиз (Чил духтарон) зиёратгоҳи жойлашган. Тоғ оппоқ кўрингани ва тепасида доим қор бўлгани учун шундай деб аталади. Тоғ орасида қирқта арча бор. Бу ерда Шакарсиб (Шакар олма) булоғи ҳам бор. Хўжаи Асмин [16:Д] номли авлиё билан боғлиқ зиёратгоҳ қишлоқ тепа қисмидаги Кўйи сафет тоғи этагида жойлашган.

ХУЛОСА

Сурхон воҳаси зиёратгоҳларининг аксар қисми маҳаллий уламолар номлари билан аталган бўлиб, улар асосан маҳаллий аҳоли борадиган зиёрат масканларидир. Шу билан бирга табиат қўйнида жойлашган ва табиат ҳодисалари (тоғ, дарахт, сой, сув) номи билан боғлиқ. Шунинг учун мазкур зиёратгоҳларда фақат оддий қабрларни кўриш мумкин, бундай манзилларга аҳоли турли касалликлардан фориғ бўлишда ҳам ниятларини (турмушга чиқиш, фарзанд кўриш, муродлари ҳосил бўлиши) амалга оширишда ташриф буюрадилар ҳамда дам олиш маскани вазифасини ҳам ўтайди.

Бундай жойларда ҳозирда унут бўлиб кетаётган урф-одатлар кўриниши, айнан зиёратгоҳларда янги анъаналар билан уйғунлашган ҳолда давом этиб келмоқда. Бунда асосан аёлларнинг иштироки кўп кузатилади. Бу воҳанинг республиканинг бошқа ҳудудлари қадамжоларидан ўзига хос хусусиятларидан бири эканини кўрсатади. Зиёратгоҳларни сақланиб қолиниши маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлашда муҳим аҳамият касб этади.

Воҳа тарихий-географик жойлашуви жиҳатидан куёш нури тик тушадиган, тупроғи ва иқлими тоза, аҳоли зиёрат қилиши учун қулай бўлган ҳудудларда жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳолининг маънавий дунёқарашига ижобий таъсир этадиган тарбия маскани сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, уларнинг баланд тепаликларда жойлашганлиги, гўзал табиати, сўлим ва салқин ҳавоси зиёратчилар сонининг йилдан-йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ерда уларнинг дам олишлари, тиловат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ушбу зиёратгоҳлар давлат назорати асосида жамиятимиз ривожига, миллий ғоя ва туйғуларимизни янада мукаммал ривожланишига ҳисса қўшадиган маънавият марказлари сифатида хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1957 йилда туғилган Соҳибов Раҳматулло билан бўлган суҳбат. Тоҷик филологияси фани ўқитувчиси, Хонжиза болалар оромгоҳи директори. 2025 йил 16 август.

2. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи, 2025 йил 30 август.
3. Мирзо Кенжабек. Термиз таскираси. Буюк Термизийлар. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2017. – Б. 380-381.
4. Соатов А. Лангар ота табаррук манзилгоҳи ёхуд идрок Шамчироғи. Т.: Фан ва технология, 2010. Б. 72.
5. Сўфи Ҳисори Хондизағӣ. Чўшиши дарёи дарс (Жўшиши дарёи дарс). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Хусрави Саъдуллоҳ. Душанбе: Деваштич, 2006. – Б. 3-16.
6. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1940 йилда туғилган Маматкулов Ҳамрокул бобо билан бўлган суҳбат. 2025 йил 16 август.
7. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Денов тумани Янги Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1941 йилда туғилган Хўжаев Лутфулло Ҳожи отаси 1895-1979 йилларда яшаб ўтган Ниёзов Хўжабой бободан эшитганларини сўзлаб берди. 2025 йил 17 август.
8. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғи, 2025 йил 17 август.
9. Муҳаммад Юсуф Маъюсий Хондизағӣ. Тачаллои ишқ, (Ишқ, тажаллийси). Душанбе: Ирфон, 2003. – Б. 3-5
10. Азимов М. Сурхондарё ижодкорлари (IV асрдан XX аср бошларигача). Қарши: Насаф, 2006. – Б. 255.
11. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1976 йилда туғилган Муҳаммадиев Фарҳод (Домла Сўфий қадамжоси маъсул ходими: Шартнома № 23, 2019 йил 25 феврал)дан олинган ҳужжатлар асосида берилди. У «Вақф» хайрия фонди Сурхондарё бўлими. 2025 йил 16 август.
12. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти Сариосиё тумани Хонжиза қишлоғида яшовчи, 1988 йилда туғилган Султонов Нуриддин (Домла Маъюсий қадамжоси маъсул ходими: Шартнома № 27, 2019 йил 25 феврал)дан олинган ҳужжатлар асосида берилди. У «Вақф» хайрия фонди Сурхондарё бўлими вакили. 2025 йил 16 август.
13. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Чоч қишлоғи, 2025 йил 30 август.
14. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Десурх қишлоғи, 2025 йил 30 август.
15. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Нилу қишлоғи, 2025 йил 30 август.
16. Дала тадқиқотлари. Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Хўжаи Асмин қишлоғи, 2025 йил 30 август.